

ФАРҒОНАЛИК ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ БЎЗАТОВ ТУМАНИДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Бугун Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи” мажлислар залида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хабиб Сирожитдинов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани ҳокими Камал Алланиязов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишга Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Риштон, Олтиарик, Қўштепа, Ёзёвон, Фарғона, Тошлоқ ва Қува туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят тижорат банклари раҳбарлари, тадбиркорлар таклиф этилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хабиб Сирожитдинов Ҳукуматимиз ташабbusи билан вилоятимизга бириктирилган Бўзатов туманида аҳоли турмуш даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш борасида Фарғона вилояти кўмагида амалга оширилган ишларга тўхталди, шунингдек, тадбиркорлар учун туманда яратилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманлари аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида ушбу ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳрини ушбу ҳудудларга бириктириш вазифалари белгилаб берилган.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида Фарғона вилояти мутасадди ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари вилоятимизга бириктирилган Бўзатов туманида кенг кўламли ишларни амалга ошироқдалар.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар вилоят ҳокимининг қарори билан ташкил этилган, Бўзатов туманида доимий фаолият олиб бораётган “Фарғона-Бўзатов тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” дирекцияси томонидан мувофиқлаштирилиб борилмоқда.

2022-2023 йилларда вилоятимиз ҳисобидан Бўзатов ҳудудини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш инвестиция лойиҳалари ҳамда ирригация-мелиорация ва қишлоқ хўжалиги тадбирларни амалга ошириш учун жами 63,2 млрд. сўм маблағ сарфланди. Ижтимоий соҳага 2023 йилда 19 млрд. сўм маблағ йўналтирилди, хусусан, 11 млрд. сўм маблағ ҳисобига 7 та ижтимоий обьект қуриб битказилди, таъмирланди.

Вилоятимиз тадбиркорлари томонидан умумий қиймати 202 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 37 та инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, саноат йўналишидаги 101,8 млрд. сўмлик 20 та, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 99,7 млрд. сўмлик 16 та ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишидаги 0,5 млрд. сўмлик 1 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, 2023 йилда умумий қиймати 48,8 млрд. сўм бўлган 5 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 200 дан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

Шунингдек, 19 та вилоятимиз тадбиркорлик субъектларига Бўзатов тумани ҳудудида пахта-тўқимачилик, боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари етиширишни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлигининг бўш турган захира ер фондидан жами 7 минг 553 гектар ер майдони аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида ажратилди. Бундан 1 минг 701 гектар ер майдони ўзлаштирилиб, қайта фойдаланишга киритилди, қолган қисмини ўзлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Бу жараёнда 168 км. узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 65 дона гидротехник иншоотлар таъмирланди ҳамда 4 дона сув насоси ўрнатилиб, 2 км. электр тармоғи тортилди.

Тадбирда сўз олган Бўзатов тумани ҳокими Камал Алланиязов туманнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати, бўш турган давлат бино-иншоотлар, фойдаланилмай келаётган ер майдонлари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, мавжуд захиралардан самарали фойдаланиш ҳамда янги тадбиркорлик лойиҳаларини жойлаштириш бўйича яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар ҳақида маълумот берди. Тадбиркорларни янги инвестиция лойиҳалари таклифлари асосида ҳамкорликда иш

ташкил қилишни таклиф қилди.

Йиғилиш давомида ушбу имконият ва имтиёзлар ҳақида шаҳар ва туманлардаги тадбиркорларга ҳам кенг доирада етказиш бўйича кўрсатмалар берилди. Келгуси ҳафта янги тадбиркорлик лойиҳаларини жойлаштириш истагида бўлган тадбиркорлар иштирокида Бўзатув туманига ташрифни ташкиллашга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-02 12:56:08